

---

## ДАНҒАРА ТУМАНИДА ЁШЛАРНИ БЎШ ВАҚТИНИ МАЗМУНЛИ ЎТКАЗИШ БЎЙИЧА КЎРГАЗМАЛИ СЕМИНАР БЎЛИБ ЎТДИ.

Данғара туман 1-сон касб-ҳунар мактабида Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан илгари сурилган 5 та муҳим ташаббуснинг ижроси ҳамда ёшларни бўш вақтини мазмунли ўтказиш бўйича кўргазмали семинар бўлиб ўтди.

Тадбирда касб-ҳунар мактаби ўқувчилари томонидан ҳар бир йўналишлар кесмида касблар фестивали ҳамда 5 ташаббус бўйича кўринишлар ташкил этилди. Ўқувчилар ўзлари танлаган касб-ҳунар бўйича ўқув йили давомида эгаллаган касб-ҳунар сирларини мохирона эгаллаганлигини намойиш қилиб бердилар.

Касб-ҳунар мактабидаги тикувчилик, пайвандчилик, электрик, дурадгорлик ва пол ётқизиш устаси, ўрмончилик ва кўкаламзорлаштириш лабаранти, автомобилларни таъмирлаш чилангари йўналишлари бўйича, тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш истагидаги ўқувчилар билан туман ҳокими алоҳида суҳбатлашиб ўтди.

Тадбир жараёнида касб-ҳунар мактаби тикувчилик йўналиши ўқувчиси Расулова Зарнигорга Данғара туман ҳокими томонидан компьютер жамланмаси совға қилинди.

[Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook,](#)  
2021-04-30 17:31:06